

микродора (Энергия махсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2фонз) лекши муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фонзидан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ "Қорхона" электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Қорхона"га истеъмол қиладиган энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақдирлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича тақдир мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлик хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни қоплашни талаб қилиш;

Шартнома тугатиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга ёки бўйсунуши бўйича юқори ташкилотга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. "Истеъмолчи" қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақлаишини, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, "Қорхона"га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилонга фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Қорхона" ва "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда "Қорхона"нинг тегишли вақлига ҳисоблагичларни қўришига имкон бериш; йил мобайнида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун "Қорхона"га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, махсуслот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб "Истеъмолчи"ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган "Истеъмолчи";

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкلامали даврларидан реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкلامасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва "Қорхона"нинг талабига кўра хабар қилиши шарт.

"Истеъмолчи" конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

I. Компенсация қурилмаларининг ўрнатилган қуввати

| Т/р № | Компенсация қурилмаларининг турлари | Қуввати | | Уланиш вақти | | Жами |
|-------|---|---------|-----|--------------|----------|------|
| | | кВАр | кВт | Эрталаб | Кечкурун | |
| 1. | Конденсаторлар, кВАр 1000 Втгача 1000 Вдан юқори, жумладан: | | | | | |
| 1.1 | Автоматик ростлаш билан: 1000 Втгача 1000 Вдан юқори, | | | | | |
| 1.2 | Дастаки ростлаш билан: 1000 Втгача 1000 Вдан юқори, | | | | | |
| 2. | Синхрон двигателлар --(СД), кВт | | | | | |
| 3. | СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фонзи, кВт) | | | | | |
| 4. | Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Втгача 1000 Вдан юқори. | | | | | |